

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВ САРВАРБЕК ШАВКАТОВИЧ

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ
ХИРУРГИЯСИДАГИ ҚИЙИН ЯРАЛАР**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Эгамов Сарварбек Шавкатович

Ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги хирургиясидаги қийин
яралар..... 3

Эгамов Сарварбек Шавкатович

«Трудные» язвы в хирургии язвенной болезни двенадцатиперстной
кишки..... 24

Egamov Sarvarbek Shavkatovich

"Difficult" ulcers in duodenal ulcer surgery..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭГАМОВ САРВАРБЕК ШАВКАТОВИЧ

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ
ХИРУРГИЯСИДАГИ ҚИЙИН ЯРАЛАР**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib2166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ботиров Акрам Кодиралиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ходжиматов Гуломиддин Минходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саттаров Ойбек Тохирович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Мадазимов М.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.Т. Мусашайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблилиги ва талабгорлиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги (ЎБИЯК) ханузгача хирургик гастроэнтерологиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. XX аср давомида ва ҳозирги кунгача жарроҳларнинг тактикаси ва унинг патогенези масалаларига муносабати бир неча бор қайта кўриб чиқилган. Ушбу муаммо ҳали ҳам даврий матбуот саҳифаларини тарк этмаётгани, монографиялар сони анча кўпайгани, унга бағишланган конгресслар, симпозиумлар ва конференцияларнинг ортиши бунинг далилидир. Эришилган ютуқларга қарамай, турли йиллардаги статистик маълумотларга кўра, ЎБИЯК режали хирургиясида меъда резекциясидан (МР) сўнг ўлим даражаси жуда юқори – 4-6% бўлиб, бу тешилган яраларда 3,5–8%, қон кетишларда 15-34%, пилородуоденал стенозда 6-19% ва пенетрацияланувчи яраларда 8-15%ни ташкил этади. Бундан ташқари, уларда постгастрорезекцион бузилишлар ривожланиб, бу 10-40% ҳолларда ногиронликни: - биринчи йилда - операция қилинган беморларнинг 20-30% да ва 10-15% да кечки муддатларда келтириб чиқаради¹. Шу муносабат билан, яра касаллигини даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш муаммоси очик радикал аралашувларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган барча асосий йўналишларни ҳам ўз ичига олади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ошқозоннинг кислота ишлаб чиқарувчи ва мотор-эвакуатор функцияси ҳолатининг патогномик хусусиятлари, касалликнинг молекуляр ва генетик жиҳатларини ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли илмий текширувлар ўтказилмоқда. Эндоген ва экзоген омилларнинг таъсири ва ўзаро боғлиқлиликка кўра, яра касаллигининг асоратланган шаклларида ошқозон шиллиқ қавати ҳимоя механизмларининг динамик мувозанатини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Қайталанувчи пептик яраларнинг геморрагик ва перфоратив асоратларини прогнозлаш муҳим қизиқиш уйғотиб, ошқозон яраларининг ёмон сифатли шаклларга трансформацияланиши ва патологик ҳолат оғирлигини копмлекс верификациялашда тизимли ёндашувларни мукаммаллаштириш ва тавсия этилган балли тизимлар самарадорлигини баҳолаш бўйича бир қатор рандомизирланган клиник текширувлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичида консерватив ва хирургик даволаш, профилактиканинг илғор технологияларини жорий этиш орқали ЎБИЯК билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу

¹ Lin N, Smiley A, Goud M, Lin C, Latifi R. Risk factors of mortality in patients hospitalized with chronic duodenal ulcers. Am Surg. 2022;88(4):764-769. doi:10.1177/00031348211054074

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифаларни амалга ошириш, жумладан, “қийин” дуоденал яраларда хирургик тактикани такомиллаштириш ушбу патологиянинг юқори клиник аҳамияти сабаб ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги хирургиясининг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини хирургик даволашда, этиопатогенези, диагностикаси, муайян хирурлик аралашув усулини танлаш ва хирургик тактика масалалари бир неча бор қайта кўриб чиқилган бўлса-да, бутун дунёда, хусусан, Ўзбекистонда катта тажриба тўпланган. Натижада, инсоннинг бошқа касаллиги учун қилинмаган, ЎБИЯК да кўплаб усулий ва техник қабуллар ишлаб чиқилган ва клиник синовдан ўтган (Циммерман Я.С., 2018; Хаджибаев А.М., 2020; Шептулин А.А., 2020; Guo H., 2021). Бироқ, сўнгги ўн йилликдаги даврий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, тадқиқотчилар “қийин” ДЯ га керакли эътиборни қаратмаяпти. Маҳаллий ва хорижий хирургларнинг илмий-амалий ишларида ўн икки бармоқ ичакнинг улкан, постбульбар, пенентрацияланувчи ва каллез яралари бўйича операцияларни бажаришда қийинчиликлар ҳақида хабарлар мавжуд. Шу билан бирга, муаллифлар операциядан кейинги асоратлар ва ўлимнинг юқори частотасини қайд этишади, бу “қийин олиб ташланадиган” ДЯ мавжудлиги ва ОР бажариш вақтида ЎБИ нинг “қийин” чўлтоғини шакллантириш билан боғлиқ (Калиш Ю.И., 2009; Крылов Н.Н., 2017; Abbass A., 2020).

Бугунги кунда ЎБИЯК режали хирургиясида асосий хирургик амалиёти турли хил модификациялардаги МР ҳисобланади (70-80% ҳолларда МР Бильрот-II бўйича амалга оширилади) (Cirocchi R et al., 2019, С.М. Liang et al. 2019). Шубҳасиз, хирурглар ЎБИ чўлтоғининг етишмовчилигини Бильрот-II бўйича ошқозон резекциясининг “Ахиллес товони” деб ҳисоблашда ҳақлидир. “Қийин олиб ташланадиган” ДЯ да ярани қолдирган ҳолда ЎБИ чўлтоғини шакллантириш билан Бильрот-II бўйича МР га устиворлик берилишини ҳисобга олсак, унинг аҳамияти ошади (Афендулов С.А., 2016; Каримов Ш.И.,

Хакимов М.Ш. ва бошқ., 2018). Ушбу ҳолатнинг ўзи давомий оғриқлар ва қон кетишига сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча, хирурглар ДЯ бутунлай кесиб олиб ташлашга уриниб, ошқозон ости безини, шунингдек, катта дуоденал сўрғични (КДС) ва ўт чиқарув йўллари шикастлайдилар. Бундан ташқари, ЎБИ чўлтоғини шакллантиришнинг ўзи унинг носозлиги юзага келишига хавф туғдиради, бу эса операциядан кейинги ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Адабиёт маълумотлари таҳлили шуни кўрсатдики, хирургик даволаш натижаларидан қониқмаслик асосан керакли эътибор қаратилмаган, “қийин олиб ташланадиган” ўн икки бармоқли ичак яраларида бажариладиган оператив аралашувларга боғлиқдир. Бу бир қатор сабаблар: “қийин” дуоденал яра (ДЯ) ҳақидаги ягона ягона конкретлаштирилган тушунчанинг йўқлиги; уларнинг диагностикасидаги қийинчиликлари, шунингдек, хирургик аралашувнинг ўзидаги қийинчиликлар; уларнинг клиник кечиши хусусиятлари ва хирургик тактикани аниқлашда ягона ёндашувлар тўғрисида маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. “Қийин” ДЯ ҳақидаги тушунчага аниқлик киритиш, ошқозоннинг функционал ҳолати ва касалликнинг клиник кечишининг типологик хусусиятларини аниқлаш, ҳамда операцияларнинг услубий ва техник жиҳатларини янада такомиллаштириш орқали ушбу вазиятни бартараф этиш мумкин. Буларнинг барчаси хирургик тактикани такомиллаштириш ва Бильрот-I бўйича МР га кўрсатмаларни кенгайтириш имконини беради, бу эса ўз навбатида дуоденал чўлтоқ чоклари етишмовчилигининг хирургик профилактикасидаги муҳим чоратадбирлардан бири ҳисобланади. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “қийин” дуоденал яраларда ошқозоннинг функционал ҳолатини ва касалликнинг клиник кечишининг типологик хусусиятларини аниқлаш, ҳамда ташрих усуллари ва техник ёндашувларини такомиллаштириш орқали яра касаллигини хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“қийин” ДЯ бўлган беморлар тоифасини аниқлаштириш ва яра касаллигининг асоратсиз кечишига солиштирган ҳолда, клиник кечишининг типологик хусусиятларини ҳамда ошқозоннинг секретор ва мотор-эвакуатор функциясини аниқлаш;

“қийин” ДЯ да хирургик даволашнинг бевосита натижаларининг ретроспектив таҳлилинини ўтказиш ва операциядан кейинги асоратлар ва ўлим сабабларини, ҳамда даволашга “анъанавий” ёндашувлардаги салбий натижаларни аниқлаш;

“қийин” ДЯ да хирургик тактикани ҳамда операцияларнинг усуллари ва техник ёндашувларни такомиллаштириш;

такомиллаштирилган хирургик тактикада ва даволашга “анъанавий” ёндашувларда “қийин” ДЯ бўлган беморларни хирургик даволашнинг яқин ва кечки мuddатлардаги натижаларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2001 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг 3-хирургия бўлимида “қийин” ДЯ туфайли резекцион амалиётлар ўтказилган 262 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети касаллик кечишининг айрим типологик хусусиятларини, ошқозон резекцияси ва ўн икки бармоқ ичак чўлтоғини тикишнинг такомиллаштирилган усуллари ва техник ёндашувлари, шунингдек, операциядан олдинги тайёргарлик даврига коррективлар киритиш ва операциядан кейинги даврни олиб боришни инобатга олган ҳолда, хирургик тактикани мақбуллаштиришга асосланган “қийин” дуоденал яраларда хирургик даволаш натижаларининг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“қийин” дуоденал яралар билан оғриган беморларнинг контингентига аниқлик киритилган ва тавсифланган ҳамда ушбу касалликнинг клиник кечишининг типологик хусусиятлари аниқланган;

“қийин” дуоденал яраларда ошқозоннинг секретор ва мотор-эвакуатор функцияси кўринишидаги функционал кўрсаткичларининг хусусиятлари аниқланган;

ошқозон резекциясида унинг чўлтоғини “қисқичларсиз” шакллантириш усули ҳамда ўн икки бармоқ ичак чўлтоғини тикиш усули каби ошқозонда бажариладиган ташрих усуллари ва техник жиҳатлари самарадорлиги асосланган ҳолда такомиллаштирилган;

ташрихларнинг такомиллаштирилган усуллари ва техник жиҳатларидан фойдаланиб ошқозоннинг функционал ҳолати ҳамда касалликнинг клиник кечишининг типологик хусусиятларини инобатга олиш хирургик тактикани оптималлаштирган ҳолда “қийин” дуоденал яраларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник вариантлар ва клиник кечиши хусусиятларини, шунингдек ошқозоннинг функционал ҳолати ва операция соҳасидаги топографик-анатомик ўзгаришларни инобатга олиш “қийин” ДЯ бўлган беморларни даволашнинг хирургик тактикасига ўзгартиришлар киритиш имконини бериши аниқланган;

ошқозон резекция пайтида унинг чўлтоғини “қисқичсиз” шакллантиришнинг тавсия этилган усули Бильрот-II бўйича анастомоз шакллантириш имкониятини оширгани ҳолда физиологикликни сақлашга, операциянинг инвазивлигини камайтиришга, шунингдек, асоратлар сонини камайтиришга имкон бериши аниқланган;

меъда резекцияси пайтида ўн икки бармоқли ичак чўлтоғини тикишнинг тавсия этилган усули ўзига хос асоратларни камайтириши, даволаниш муддатини қисқартириши ҳамда ошқозон ости беши ва ўт йўлларининг шикастланиш хавфини камайтириши мумкинлиги аниқланган;

“қийин” дуоденал яраларда Бильрот-I бўйича меъда резекциясини бажариш имкони бўлмаганида такомиллаштирилган усуллар ва техник жиҳатларни қўллаган ҳолда Гофмейстер-Финстерер ёки Бальфур бўйича, дуоденал ўтказувчанликнинг сурункали бузилиши бўлганда эса, Ру-Ибадов бўйича меъда резекциясини бажариш асосланган;

“қийин” дуоденал яраларни хирургик даволашнинг тавсия этилган тактик ва техник жиҳатларидан фойдаланиш операциядан кейинги асоратларни камайтириши, шунингдек, узок муддатли даврда аъло ва яхши натижалар улушини оширишга имкон бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, касалликнинг типологик хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, операцияларнинг такомиллаштирилган усуллари ҳамда техник жиҳатларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, операциядан олдинги тайёргарликка ва операциядан кейинги даврни олиб боришга корректив киритиш, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим сонини камайтириши, хирургик даволашнинг узок муддатли натижаларини яхшилаши ҳисобига “қийин” дуоденал яраларга оид мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқотлар “қийин” дуоденал яраларда касалликнинг айрим типологик хусусиятларини аниқлаш, ошқозон резекциясининг ҳамда ўн икки бармоқ ичак чўлтоғини тикишнинг такомиллаштирилган усуллари ва техник жиҳатларидан фойдаланиш, шунингдек операциядан олдинги тайёргарликка корректив киритиш, операциядан кейинги асоратлар сони, ўлимнинг камайиши ва хирургик даволашнинг узок муддатли натижаларини яхшилашга асосланган хирургик тактикани такомиллаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Қийин” дуоденал яраларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Ўн икки бармоқли ичакнинг “қийин” яраларида бажариладиган ташрихларнинг такомиллаштирилган усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 октябрдаги 08-31323-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ўн икки бармоқ ичак чўлтоғи

етишмовчилиги частотасини, ва ўз навбатида, ўлим кўрсаткичини камайтириш хисобига даволаш натижаларини яхшилашга имкон берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси ҳамда Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлимларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 октябрдаги 08-31323-сон маълумотномаси). Жорий этиш натижалари ташрихдан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга, шунингдек, “қийин” ўн икки бармоқли ичак яраларини хирургик даволашнинг бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижалари апробацияси ва чоп этилганлиги, диссертация ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**“Қийин” дуоденал яраларда ўн икки бармоқ ичак яра касаллигини хирургик даволаш масаласининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг мохиятини очиб берувчи адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, қисқа тарихий маълумотлар, келтирилган, эпидемиология масалалари, муаммонинг тиббий-ижтимоий аҳамияти, ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг этиологияси ва патогенези, патофизиологик механизмлари ва асоратлари ҳақидаги замонавий тасаввурлар кўриб чиқилган. Шунингдек, “қийин” дуоденал яраларни хирургик даволаш муаммосининг ҳолати, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, ҳамда ушбу патология билан хасталанган беморлар ҳаётига хавф солувчи асоратлар профилактикасининг долзарб масалалари кўрилган.

Диссертациянинг «**Клиник тавсиф ва тадқиқотнинг усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар келтирилган.

2001 йилдан 2020 йилгача бўлган давр оралиғида АДТИ Хирургия ва урология кафедраси базасида ЎБИЯК бўйича 1567 нафар беморда операция

бажарилган. Бунда “қийин” ДЯ 494 нафар (31,5%) беморда аниқланган бўлиб, улардан 364 нафар беморда (73,7%) режали тартибда ва 130 нафарида (26,3%) шошилич тартибда операция бажарилган. “Қийин” ДЯ бўлган 364 нафар беморлардан 102 нафарида МДО билан ваготомия ўтказилган. Режали ва шошилич тартибда операция қилинган беморлардаги хирургик тактика турлича бўлганлиги сабабли, шошилич тартибда операция қилинган беморларда илмий тахлил ўтказилмади. Мазкур тадқиқотнинг предмети бўлиб режали тартибда операция қилинган 262 нафар “қийин” ДЯ бўлган беморлар олинган.

Клиник кечишнинг типологик хусусиятларини, шунингдек ошқозоннинг секретор ва мотор-эвакуатор функциясини аниқлаш учун “қийин” ДЯ да (262) асоратланмаган (94), яъни “қийин” ДЯ бўлмаган ЎБИ яра касаллигини солиштирган холда илмий тахлил ўтказдик.

Материални тақдим этишни соддалаштириш учун шартли равишда беморларни 2 гуруҳга ажратдик:

- “қийин” ДЯ бўлганлар – асосий гуруҳ (262 нафар бемор);
- ЯК асоратсиз кечиши билан – қиёсий гуруҳ (94 нафар бемор).

Қиёсий гуруҳда ЯК- эркакларда 71 (75,5%) холатда, аёлларда эса - 23 (24,5%), 3:1 нисбатда қайд этилган. Холбуки асосий гуруҳда - эркакларда 238 (90,8%) холларда, аёлларда эса фақат - 24 (9,2%) нафарида, 10:1 нисбатда аниқланган. Яъни “қийин” ДЯ бидан касалланиш эркак жинсидаги шахсларда аёлларга нисбатан сезиларли даражада устунлиги кузатилган.

Биринчи жадвалдан кўриниб туриптики, қиёсий гуруҳда ЯК асосий ёш - 19-44 ёшда – 88 нафар (91,5%), яъни ўсмирлик ва ёш даврда аниқланган. Асосий гуруҳда эса 19-59 ёшда (89,0%), ёш ва етилган даврда қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Солиштирма гуруҳларда ЎБИЯК бўлган беморларнинг ёшига кўра тасимланиши

Ёши (йилларда)	ЯК асоратланмаган кечиши (n - 94)		«қийин» ДЯ (n - 262)		Chi ²	P
	абс	%	абс	%		
15-19	33	35,1	39	14,9	76	0,3
20-44	53	56,4	115	43,9	198	<0.05
45-59	6	6,4	92	35,1	129	<0.05
60 ва ундан катталар	2	2,1	16	6,1	33	<0.05
Жами	94	100,0	262	100,0	x	x

Шуни таъкидлаш лозимки, “қийин” ДЯ 19 ёшгача, яъни ўсмирлик ёшида ҳам аниқланиши мумкин -39 (14,9%). Бу яна бир бор яранинг “қийинлиги” унинг локализациясини аниқлаш, асоратларининг табиати ва фаоллиги даражаси, яъни периульцероз яллиғланиш инфилтрациясининг кенг сохаси мавжудлигини билан тасдиқланади.

Жадвал 2 дан кўриниб туриптики, қиёсий гуруҳда беморларнинг асосий тоифаси яра анамнезининг давомийлиги 6 йилгача бўлган беморлар 76 (80,9%) ташкил этган бўлиб, тадқиқот ўтказиладиган гуруҳда эса яра анамнезининг давомийлиги 11-15 йилни - 213 (81,2%) нафар беморни ташкил этган. Шунинг таъкидлаш лозимки, текширилувчи гуруҳда яра анамнезининг давомийлиги 16 йил ва ундан ортиқ бўлиши 36 нафар (13,9%) беморда аниқланган бўлиб, қиёсий гуруҳда эса бундай яра анамнезидаги давомийлик аниқланмаган.

2-жадвал

ЎБИЯК бўлган беморларнинг яра анамнезининг давомийлигига кўра тақсимланиши

Яра анамнезининг давомийлиги (йилларда)	Гуруҳлар:					Хи ²	Р
	ЯК асоратланмаган кечиши (n - 94)		«қийин» ДЯ (n - 262)				
	абс	%	абс	%			
6 йилгача	76	80,9	13	5,0	133	<0.05	
6 – 10	15	15,9	118	45,0	161	<0.05	
11 – 15	3	3,2	95	36,2	124	<0.05	
16 – 20	-	-	24	9.2	х	х	
21 ва ундан ортиқ	-	-	12	4.6	х	х	
Жами	94	100	151	100	х	х	

Қиёсий гуруҳда нисбатан қисқа яра анамнези аниқланган, касалликнинг давомийлиги ва даврий пайдо бўлиши сақланган, ярага қарши даво касалликнингнинг симптомкомплексига осон таъсир кўрсатган ва ўтказилган даво курсидан сўнг турғун ремиссия кузатилган. Текширилувчи гуруҳда касаллик тез-тез ва узлуксиз қайталаниш билан кечган, кўпинча “гиперсекретор” синдром, шунингдек, турғун ва кучли оғриқ синдроми аниқланган, ҳамда хар бир қасаллик кўзғалишида 6 ойдан ортиқ ярага қарши комплекс даво таъсир этмаган.

Асоратланмаган ЎБИЯК да касалликнинг кечиши анча яхши бўлиб, “қийин” ДЯ да касалликнинг клиник манзараси анча кучли агрессив кечиши билан намоён бўлган. Қиёсий гуруҳда касалликнинг кўзғалиши 2-5 йилда 1 марта 79 (80,9%) холларда, асосий гуруҳда эса – фақат 6 (2,4%) холларда кузатилган. Касалликнинг йилда 2-4 марта кўзғалиши қиёсий гуруҳда фақат 7 (7,4%) холларда, холбуки асосий гуруҳда эса – 215 (82%) холларда қайд этилган.

Қиёсий гуруҳда оғриқ локализацияси эпигастрал ва бошқа локализацияда бўлиши (белга иррадиацияланиши билан) фақат 21 (22,4%) холларда, асосий гуруҳда эса – 96 (36,7%) холларда қайд этилган. Оғриқ синдромининг табиати 85 (90,4%) холларда овқат қабули билан боғлиқлиги ҳамда 9 нафар (9,6%) беморда эса овқат қабули билан боғлиқ бўлмаганлиги кузатилган. Бундан фарқлироқ, асосий гуруҳдаги оғриқ синдромининг табиати 38 (14,5%) холларда овқат қабули билан боғлиқ бўлган, 224 (85,5%) холларда овқат

қабули билан боғлиқ бўлмаган, яъни доимий табиатга эга бўлган.

Ошқозоннинг секретор функцияси хусусиятларини аниқлаш учун “қийин” ДЯ бўлган ва асоратланмаган ЎБИЯК бўлган беморларда ошқозон ширасининг кўрсаткичлари ўрганилди ва солиштирилди. Олинган натижаларни клиник баҳолаш учун унинг кўрсаткичлари 50 нафар соғлом шахсларда ўрганилди, шулардан КБП - $3,9 \pm 0,8$ ммоль/соат, КМП - $18,4 \pm 0,9$ ммоль/соатни ташкил этган. Бунда қиёсий гуруҳдаги беморларда КБП ўртача кўрсаткичлари - $7,9 \pm 0,7$ ммоль/соат, асосий гуруҳда эса - $12,6 \pm 1,2$ ммоль/соатни ташкил этган (аниқлилик $p < 0,05$).

Демак, асосий гуруҳда КБП кўрсаткичлари соғлом шахслардаги худди шундай кўрсаткичларидан 3,2 баробар, қиёсий гуруҳга нисбатан эса – 1,5 баробар ошган.

Ошқозон шираси таркибидаги пепсин ўрганилганда, соғлом шахсларда ПБП ўртача $47,6 \pm 3,9$ мг/%, ПМП эса - $94,5 \pm 10,1$ мг/% ташкил этганлиги аниқланган. Асосий гуруҳда пепсиннинг базал ва максимал продукцияси эса мос равишда $89,9 \pm 8,4$ мг/% ва $192,4 \pm 17,3$ мг/% ташкил этган. Бунда қиёсий гуруҳда ПБП ўртача кўрсаткичи $68,7 \pm 7,2$ мг/%, ПМП эса - $166,3 \pm 15,3$ мг/% ташкил этган.

Тадқоқотимиз шуни кўрсатдики, пепсиннинг базал ва максимал продукцияси соғлом шахсларда ҳам, қиёсий ва асосий гуруҳдаги беморларда ҳам бир хил даражада сақланиб қолади. Бироқ бу маълумотлар ўрта статистик қийматга эгаллигини инобатга олиш лозим. Улар орасида операция услини танлашда индивидуал ёндашувни талаб этувчи, норма- ва гипоацид кўрсаткичли беморлар ҳам учраган. Кўриниб туриптики, ушбу жихатларни инобатга олиш зарур, акс холда операция усулини нотўғри танлашга ва усулнинг дискредитациясига олиб келиши мумкин.

Ошқозон функционал холатининг хусусиятларини аниқлаш учун (ошқозоннинг мотор-эвакуатор функцияси) рентгенологик текшируви маълумотлари бўйича текширув ва солиштириш ўтказилди. Холбуки, соғлом шахсларда (50 нафар) ошқозон эвакуацияси порцион-ритмик табиатга эга бўлган. Кўп беморларда ошқозон илгаксимон шаклга эга бўлиб, овалсимон газли шар кўринишида, шиллик қаватнинг қалинлашмаган бўйлама бурмалари мавжудлиги, бироқ кучли перисталька аниқланган. Рентгенологик текширувда қиёсий гуруҳдаги беморларда (60 нафар бемор) соғлом шахсларга нисбатан солиштирилганда, эвакуация 1-1,5 соатдан сўнг тугаган, яъни ошқозоннинг мотор-эвакуатор функцияси сезиларли тезлашганлиги аниқланган. Шу билан бирга, ошқозон шиллик қаватининг кучли шиши ва ЎБИ пиёзчаси шиллик қаватининг қисман деформацияси ажралиб турган. Асосий гуруҳдаги беморларда (132 нафар) ОМЭФ асосан ПДС даражасига боғлиқ бўлиб, аксарият беморларда “токча” симптоми аниқ кўриниб турган. Улардаги функционал бузилишлар яққол ва турғун бўлиб, бу касалликнинг давомийлиги билан боғлиқ бўлган.

Рентгенологик текширувлар билан бир қаторда, УЭГГ ўтказилди. Бунда, “қийин” ДЯ ли, ПДС бўлган беморларда тахлил ўтказилмаган. Олинган

натижалар соғлом шахсларга нисбатан қийин гуруҳда ОМЭФ тезлашганлигини кўрсатган. Шу билан бирга, асосий гуруҳда ОМЭФ янада кучлироқ тезлашганлиги аниқланган. Умуман олганда, асоратланмаган яра касаллигига нисбатан солиштирилганда, “қийин” ДЯ да ошқозоннинг мотор фаолиятининг фаоллашувидан дарак берувчи ўзгаришлар кузатилади.

“Қийин” ДЯ да клиник кечининг хусусиятлари ва ошқозоннинг функционал ҳолатини аниқлаган ҳолда, асосий гуруҳдаги беморларни (262 нафар) шартли равишда 2 гуруҳга ажратдик, бу даволашга турлича тактик-техник ёндашувлар билан боғлиқлик эди. Ўрганиладиган беморлар тоифасининг гуруҳларга тақсимланиши:

- назорат гуруҳи - 2001 дан 2010 йилларгача - 114 нафар (43,5%) беморлар;
- тадқиқот гуруҳи - 2011 дан 2020 йилларгача - 148 нафар (56,5%) беморлар.

Назорат гуруҳида ЎБИЯК атрофдаги аъзоларга пенетрацияланиши билан 43 нафар (37,7%) беморда кузатилган бўлиб, турли даражадаги пилородуоденал стеноз –39 нафар (34,2%), шунингдек, пенетрациянинг турли даражадаги ПДС билан бирга келиши - 32 нафар (28,1%) беморларда қайд этилган. Назорат гуруҳидаги беморларда илгари 8 ҳолатда ҚЯ тикиш, 5 ҳолатда яра тубидаги қонаётган қон томирни тикиш ўтказилган ҳамда 15 ҳолатда СДЎБ аниқланган.

Тадқиқот гуруҳида ЎБИЯК атрофдаги аъзоларга пенетрацияланиши билан 45 нафар (30,4%) беморда, турли даражадаги пилородуоденал стеноз – 52 нафар (35,1%), ва пенетрациянинг турли даражадаги ПДС билан бирга келиши- 51 нафар (24,5%) беморларда қайд этилган. Шунини таъкидлаш лозимки, тадқиқот гуруҳида 26 ҳолатда беморлар анамнезида перфоратив ДЯ тикиш, 17 ҳолатда яра тубидаги қонаётган қон томирни тикиш ўтказилган ва 10 ҳолатда ЎБИЯК нинг СДЎБ бирга келиши аниқланган.

3-жадвал

Солиштирма гуруҳларда терапевтик патологияларнинг табиати ва сони

Хамроҳ терапевтик патология касалликлари табиати	Бемор гуруҳлари					Жами	
	Назорат		P	Тадқиқот		абс	%
	n - 114	%		n - 148	%		
Беморлар сони:	n - 114	%		n - 148	%	n– 262	
Юрак қон томир тизими	7	35%	0,0882	13	65%	20	7,6
Нафас аъзолари	8	47%	0,7316	9	53%	17	6,5
Жигар, ўт йўллари	6	38%	0,1923	10	63%	16	6,1
Ошқозон ости беши	2	50%	1	2	50%	4	8,4
Буйраклар, сийдик йўллари	12	55%	0,5178	10	45%	22	1,5
ичак	2	50%	1	2	50%	4	
Жами:	37	45%		46	55%	83	31,7

“Қийин” ДЯ бўлган беморларда хамрох терапевтик патологиялар 83 нафар (31,7%) беморларга аниқланган. Шулардан, юрак қон томир тизими касалликлари – 20 (7,6%), нафас аъзолари – 17 (6,5%), шунингдек, жигар, ўт йўллари– 16 (6,1%) ҳамда буйрак ва сийдик йўллари терапевтик патологияси – 22 (8,4%) ташкил этган. Шу билан бирга, 4 (1,5%) ҳолатда ошқозон ости беги патологияси ва 4 ҳолатда (1,5%) – спастик колит кўринишидаги ичак патологияси ташхисланган. “Қийин” ДЯ бўлган беморларда 28 (10,7%) ҳолатда қўш хирургик патология аниқланган (3-жадвал).

Режали оператив амалиётларда ўт тош касаллиги 9 нафар (3,4%) беморларда, вентрал чурралар - 14 нафар (5,3%) ва жигар эхинококкози 5 нафар (1,9%) беморларда аниқланган.

Дисстертациянинг «Ўн икки бармоқ ичак “қийин” яралари бўлган беморларда хирургик тактика» деб номланган учинчи боби уч кичик бобдан иборат.

Назорат гуруҳидаги беморларда хирургик тактика. Назорат гуруҳида 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда режали тартибда клиникага мурожаат қилган “қийин” ДЯ бўлган беморлар 114 тани ташкил этган. Назорат гуруҳида пенетрация кўринишидаги асоратлар 43 нафар (37,7%) беморда аниқланган. ДЯ нинг ошқозон ости бегига пенетрацияси (30 нафар) гигант ва/ёки каллез яралар билан 26 нафар беморда ва 4 нафар беморда «ойнади» яралар билан бирга келган. Бу беморларнинг барчасига Бильрот-II бўйича МР ўтказилган. ДЯ нинг жигар-ўн икки бармоқ ичак бойламига пенетрацияси (9 нафар) гигант ва/ёки каллез яралар билан 3 нафар беморда ва 5 нафар беморда «ойнади» яралар билан ҳамда 1 нафар беморда эгарсимон яра билан бирга келган. Шунинг билан бирга, 2 нафар беморда илгари яра тубидаги қонаётган қон томир тикилган ва 4 нафарида СДЎБ аниқланган. Шулардан Бильрот-I бўйича модификацияларида ОР 3 нафар беморда ва Бильрот-II бўйича МР 6 нафар беморда бажарилган. ДЯ нинг ўт пуфагига пенетрацияси гигант ва/ёки каллез яралар билан 3 нафар беморда ва 5 нафар беморда ва 1 нафар беморда эгарсимон яра билан бирга келган. Бунда 3 нафар беморда Бильрот-I бўйича ҳамда 6 нафарида Бильрот-II бўйича ОР бажарилган.

4-жадвал

Ошқозон резекцияси усулларига қараб беморларнинг тақсимланиши.

Операция усуллари	Назорат гуруҳи			
	абс	%	абс	%
	Б-I бўйича ОР		Б-II бўйича ОР	
МР:	n – 114			
- Габерер	22	19,3	-	-
- Габерер-Финней	14	12,3	-	-
- Л.Г. Хачиев	15	13,1	-	-
- Гофмейстер-Финстерер	-	-	20	17,5
- Бальфур	-	-	28	24,6
- Ру-Ибадов	-	-	15	13,2
Жами: абс / %	51	44,7	63	55,3

Умуман олганда, назорат гурухидаги беморларда Бильрот-I бўйича модификацияларда МР 51 нафар (44,7%) беморда, Бильрот-II бўйича модификацияларда ОР 63 нафар (55,3%) беморда бажарилган (4-жадвал).


Назорат гурухидаги беморларни хирургик даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил ўтказганимизда, бир қатор тактик ва техник камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Қониқарсиз натижаларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволашдаги малаканинг тўпланиши 2011 йилдан бошлаб хирургик тактикани қайта кўриб чиқишга имкон берди.


Операцияларнинг такомиллаштирилган усуллари ва техник жиҳатлари.

Ошқозон резекциясида унинг чўлтоғини “жомсиз” шакллантириш усули.

Ошқозон мобилизацияси катта эгриликдан бошланади, шаклланадиган чўлтоқ учун 2/3 қисм қолдирилади. Мобилизация фақат ўнг ошқозон-чарви артериясининг терминал ён шохлари кесишиши билан қатъий париетал тарзда амалга оширилади, бу билан асосий устуннинг бутунлиги сақланади. Катта эгрилик бўйлаб фақат ошқозоннинг олиб ташланадиган қисмига, ошқозон ўқиға перпендикуляр равишда, узунлиги -6 см гача, яъни хосил бўладиган соустья бўшлиғидан 2 баробар катталиқдаги масофагача қисқич қўйилади (1-расм).



1-расм. Ошқозон чўлтоғининг денервацияси ва деваскуляризацияси чизмаси



2-расм. Ошқозон чўлтоғининг жомсиз шакллантирилгандан кейинги кўриниши

Ошқозоннинг кичик эгрилигидан тарафдан кардиядан 2-4 см орқага чекиниб, чап ошқозон артериясининг пастга тушувчи шохини боғлаймиз ва кесиб ўтамиз. Сўнгра фақат чарви халтаси томондангина қон томирлар ва адашган нервни бирга қамраб олган холда қисқич қўямиз, унинг устида асталик билан босқичма-босқич ошқозоннинг кичик эгрилигини олиб ташлаймиз (хлорид кислота ишлаб чиқарувчи 90% қоплўвчи хужайралар кичик эгриликда жойлашган) ва ошқозоннинг катта эгрилиги томондан

қўйилган асбобнинг учигача викрил билан тугунли чооклар қўйилади. Кичик эгрилик перитонизацияси капрон билан “П” симон чоклар қўйиш билан амалга оширилади. Кейин катта эгрилик тарафдан ошқозоннинг фақат олиб ташланадиган қисмига, унинг ўқиға перпендикуляр равишда 5-6 см масофагача қисқич қўйилади ва сероз қават кесилади, викрил билан “гофри”ли шиллик-шиллик ости-мушакли бир қаторли чоклар қўйилади. Натижада ошқозон чўлтоғи тешигининг диаметри 6-7 см дан 3,0 см гача кичраяди, бу эса ЎБИ бошланғич қисми диаметрига мос келади. Сўнгра ошқозоннинг дистал қисми кичик чарви қисми билан резекция қилинади (2-расм). Анастомознинг олдинги лабини бекитгунгача декомпрессион зонд қолдиришимиз шарт. Ўнг ошқозон артериясининг кесишиши билан олиб ташланиши керак бўлган ошқозоннинг дистал қисми мобилизация қилинади.

Кейинчалик олиб ташланадиган ошқозоннинг дистал қисми мобилизацияси амалга оширилади. Сўнгра ЎБИ бошланғич қисми орқа деворига тахминан чокларнинг биринчи қатори қўйилади. Анастомознинг орва лабларига чоклар қўйишда, ошқозон қирғоғидан 0,8-1,0 см орқага чекиниб, игна санчилиши, ЎБИ да эса ичак қирғоғидан 0,5-0,6 см орқага чекиниб игна санчилиши ва чиқиши лозим. Чоклар орасидаги масофа ошқозонда 0,6-0,8 см, ЎБИ да эса 0,5-0,6 см бўлиши керак. Сўнгра ошқозоннинг дистал қисми яра билан бирга резекция қилинади ва викрил билан 4-5 тагача чокларнинг иккинчи қатори қўйилади. Анастомознинг олдинги лабини бекитгунгача декомпрессион зонд қўйилиши шарт. Сўнгра анастомознинг олдинги лаби шакллантирилади.

Анастомознинг олдинги лабига чоклар қўйишда иккала томонга “П” симон чоклар – анастомоз ичкари асосига “кулфчалар” қўйиш лозим, бу техник жихатдан тикилган қирғоқларнинг мос келишини енгиллаштиради ва анастомоз соҳасига келувчи асосий юкламага бардош беради, бу хам чоклар носозлиги профилактикасининг чора-тадбирларидан бири ҳисобланади. Анастомознинг олдинги лаби кичик эгриликдан бошлаб бир қаторли, сероз-мушак-шиллик ости қаватларни қамраган ҳолда ичкарига букланган чоклар билан тикилади. Игна ошқозон чўлтоғи ва ЎБИ қирғоғидан 0,5-0,6 см орқага чекиниб санчилади, игна чиқарилиши эса - 0,2 см орқага чекиниб амалга оширилади. Чоклар орасидаги масофа 0,8 см, миқдори эса - 4-5 та бўлиши лозим. Сероз-мушакли чокларнинг иккинчи қатори биринчи қатордаги чоклар орасига қўйилади. Анастомознинг олдинги лабига чокларни қўйишда тугунчалар ошқозон чўлтоғининг олдинги деворида жойлашиши, яъни ЎБИ қа қараганда унинг деворидан мустахкамроқ бўлиши лозим. Бу билан анастомознинг мустахкамлиги қўшимча тарзда ортади.


Ошқозоннинг олиб ташланадиган, дистал қисмидан ажратишда ЎБИ қа ичак чегарасидан 0,5-1,0 см юқориққа қисқич қўйилади. ЎБИ қа ён қирғоқларига тахминан ушловчи чоклар қўйилади. Бунда, ошқозонни ЎБИ дан ажратишда унинг орқа деворидан бошлаган маъқулроқ. Назогастродуоденал зонд орқали анастомоз шакллантирилгандан сўнг, операция столида ошқозон “тоза” сув чиққунча ювилади. Операциядан кейинги даврда ошқозоннинг

доимий декомпрессияси ўтказилади.

Бильрот-I бўйича МР бажариб бўлмайдиган вазиятларни эса сақлаш лозим. Буларга дуоденостаз, постбульбар яралар, 3-5 см масофадаги дуоденал стенознинг ЎБИ гигант ва пенертацияланувчи яралар бирга келиши киради. Бундай вазиятларда Бильрот-II бўйича МР амалга оширилади.

